
Қорақум маҳалласи аҳолиси тўлиқ ичимлик суви билан таъминланади
Хабарингиз бор тумандаги Қорақум маҳалла фуқаролар йиғинида “обод ҳонадон”, “обод кўча”, “обод маҳалла” мезонлари асосида кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур ишлар доирасида ҳудуддаги аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан 19 км янги ичимлик суви тармоғи тортиш, 1 та ичимлик сув қудуғи қазиш ва сув минораси ўрнатиш ишлари давом этмоқда. Бунинг натижасида ҳудуд аҳолисини узоқ йиллардан буён қийнаб келаётган ичимлик суви билан боғлиқ муаммолари ўзининг ижобий ечимини топади.

Амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ишларидан маҳалла аҳолиси бирдек мамнун.

2023-11-20 09:41:32